

**СУВ ХЎЖАЛИГИ ИНЖЕНЕР-ТЕХНИК ЙЎНАЛИШЛАРДА
ТАЛАБАЛАРГА ИҚТИСОДИЙ ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШ:
ЭРИШИЛГАН ЮТУҚЛАР, МУАММО ВА ЕЧИМЛАР**

F.Д.Дусмуратов

ТИМИ доценти, и.ф.н.

Мамлакатимиз сув хўжалиги мажмуасини нафақат мутахассислигини яхши биладиган, балки корхона ва ташкилотларни ва уларнинг бўлинмаларини самарали бошқара оладиган атрофлича иқтисодий билимларга эга рақобатбардош кадрлар билан таъминлаш мақсадида ноиқтисодий таълим йўналишлари талабаларига иқтисодий фанлар ўқитилади. Талабаларнинг бу фанлардан олган билимлари ўз фаолиятининг иқтисодий муаммоларини ҳал этишга ёрдам беради. Иқтисодий ҳисобкитобларни бажариш учун зарур билимлар базасини яратиш учун ушбу соҳадаги билимларни шакллантиради.

Таълим йўналишлари сув хўжалиги тармоғи ва ташкилотларига тааллуқли бўлғанлиги ва битиurvчилар уларда фаолият юритиши сабабли унинг иқтисодий масалаларини ва бошқаришни билиши талаб этилади. Ўзи фаолият юритадиган корхона ва ташкилотлар иқтисодий ва бошқарув механизми ҳақида тасаввурга эга бўлиши керак. Сув хўжалиги тармоғида фаолият юритаётган инженер ходимлар ва раҳбарлар ўз фаолиятида иқтисодий масалаларни ҳал этишга тўғри келади. Бунинг учун уларга иқтисодий билимлар талаб этилади.

Табиийки, ишлаб чиқаришдаги мураккаб вазифаларни фақат яхши тайёрланган мутахассисларгина ҳал эта олиши мумкин. Ёш мутахассислар шуни мукаммал ўзлаштиришлари керакки, ҳозирги шароитда ҳарқандай инженерлик, хўжалик ёки ташкилий қарор энг аввало иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлик нуқтаи назаридан қаралади.

Демак, иқтисодий фанлар ноиқтисодий йўналишларда таълим оловчи талабаларнинг, яъни Тошкент ирригация ва мелиорация институтида тайёрланадиган бўлғуси инженер ходимларнинг бевосита ўз фаолиятига

тегишли иқтисодий ва бошқарув муаммоларини самарали ҳал этиши учун уларнинг тармоққа тегишли иқтисодий билимларини шакллантиради. Чунки инженер ходимлар фаолият кўрсатадиган барча корхоналарда инвестиция амалга оширилади, сметалар тузилади, асосий воситалар ва айланма маблағлардан фойдаланилади, меҳнатга ҳақ тўланади, харажатлар қилинади, корхона фаолияти молиялаштирилади ва таҳлил этилади, режалаштирилади, бошқарилади.

Сув хўжалиги корхоналари ва ташкилотлар, уларнинг бўлимларини бошқаришни амалга ошираётган ходимларга бошқарув илмини эгаллаши талаб этилади. Шунинг учун инженер ишловчилар фаолиятини ташкил қилиб билиши, улар олдига вазифаларни тўғри қўйиши ва мақсадини шакллантира олиши, ҳар бир ходимнинг талабини, эҳтиёжини, қобилиятини тушуниши ва ҳар бир ходимнинг ўз вазифаларини бажаришини талаб этиши, нафақат иқтисодий, балки маънавий рағбатлардан фойдаланиб **билиши лозим**.

Шунингдек бугунги кунда ҳар бир инженер ходимдан ўз хизмат вазифасини амалга оширишда замонавий бошқарув илмига эга бўлиши, яъни бошқариш функциялари ва бошқариш структурасини, ахборот тизими ва иш юритишни, бошқарув методлари ва бошқарув қарорлари қабул қилишни, турли мулкчилик ва ташкилий-хуқуқий шаклдаги ташкилотларни бошқаришни, стратегик, молиявий, рисқ, инновацион менежмент асосларини билиши талаб этилади. Сабаби ҳозирги вақтда сув хўжалиги ташкилотлари ва корхоналарида институт тайёрлаган инженер мутахассислар бошқарув бўғинларининг қуи ёки ўрта раҳбарлари ҳам, юқори бўғин раҳбарлари ҳам бўлиб фаолият юритишлари мумкин. Шунинг учун иқтисодий фанларни ўқитиш ўта долзарбдир.

Иқтисодий фанларнинг асосий мақсади – талабаларга сув хўжалиги иқтисодиёти бўйича назарий билимларни, бозор иқтисодиёти шароитида сув хўжалиги ишлаб чиқаришини иқтисодий бошқаришнинг шакл ва методларини ривожлантириш соҳасида амалий билимларни, инженернинг

амалий фаолиятида назарий билимлардан мустақил ва ижодий фойдаланиш кўникмаларини беришдан иборат.

Шунингдек, иқтисодиётни ривожлантиришнинг ҳозирги босқичи ишлаб чиқарувчилардан ҳам, ҳаттоқи раҳбарлардан ҳам тадқиқот қилиш тажрибаси бўлишини талаб этади. Бизнинг фикримизча, эндиликда ҳар бир ишлаб чиқариш ходими ва раҳбарлари тадқиқотчи бўлишлари, нафақат изланиш алифбосини, балки технологиясини эгаллаши лозим.

Бугунги кунда профессионал олий таълим тизимида унинг рақобатбардошлиги ва сифатини оширишга, инновацион стратегияларни амалга ошириш учун билим ва интеллектга асосланган зарур кадрларни тайёрлашга йўналтирилган модернизация жараёни юз бермоқда.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ти ПФ-4947-сонли Фармонида “...таълим ва ўқитиш сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этиш асосида олий таълим муассасалари фаолиятининг сифати ҳамда самарадорлигини ошириш, олий таълим муассасаларига қабул квоталарини босқичма босқич кўпайтириш” [3] белгиланган. Шунинг учун олий таълим муассасаларида кадрлар тайёрлашнинг сифатига катта эътибор қаратишимиш лозим.

Мустақилликка эришганимиздан кейин бутун жамият миқиёсидаги каби иқтисодиёт соҳасида ҳам туб ислоҳотлар амалга оширилди. Натижада инсонларнинг дунёқараси ва тафаккури ўзгарди. Олий таълимда ҳам жаҳон андозаларига мос ўзгаришлар юз берди. Бугунги кунда таълим сифатини яхшилаш, талабаларга талаб даражасида билим бериш вазифаси турибди.

Бизнинг олий таълим муассасаларимиз илгарги вақтда ишлаб чиқаришнинг бўлғуси мутахассисларига асосан фақат назарий билим бериш билан банд бўлган. Зарур ва барқарор профессионал билимларни шакллантириш эса ишлаб чиқаришда ҳар бир мутахassisiga “синаб кўриш ва хато қилиш” йўли орқали эришилган. Шундай экан ўкув адабиётларини

бугунги кунда иқтисодиёт соҳасидаги мутахассислар учун амалиётда зарур бўлган билимлар доирасида тайёрлаш талаб этилади. Иқтисодиёт тез ўзгараётган соҳа. Шунинг учун уни ишлаб чиқариш билан боғлаш ва улар ўртасида ахборот алмашинувини ташкил этиш лозим. Ахборот муаммоси доимий муаммога айланиб қолмоқда. Иқтисодий фанларни ноиктисодий йўналишларда ўқитишида иқтисодий муносабатлардаги ўзгаришлар билан бирга бошқа инженерлик йўналишлари мутухассисликлари доирасида зарур иқтисодий билимларни эътиборга олиш зарур.

Иқтисодий фанлар ва уларни ўқитиши ҳажмини талаб даражасига келтириш, мазмунини бойитиш, кетма-кетлиги тартибга солиш, инженер-техник фанлар билан боғлиқлигини таъминлаш, бакалавр ва магистратура босқичларида иқтисодий фанларни ўқитиши масалалари соҳадаги хорижий адабиётлардан кенг фойдаланишни йўлга қўйиш талаб этилади.

Хорижий адабиётлардан фойдаланишда, уларда инженерлик соҳасида кадрлар тайёрлашдаги иқтисодий фанлар мазмуни ва бизга мос келишига қараб танлашни йўлга қўйиш лозим. Бунда фақат янги таълим технологияларини жорий этиб қолмасдан, ўқув адабиётлари сифатини ҳам яхшилаш лозим. Чунки, янги таълим технологиялари, педагогик технологиялар ва ахборот технологиялари мавжуд адабиётлардаги билимларни талабага етказиш учун хизмат қилади. Улар билимларни янгилаш бермайди.

Таълим сифатини ошириш инженерлик йўналишларида иқтисодий фанларни ўқитиши технологиясини такомиллаштириш ва ўқитишида инновацион технологиялар қўллашни тақозо этади. Бугунги кунда таълимнинг жамият ривожланиш суръатларидан ортда қолаётганлиги, таълим жараёнида қўлланилаётган технологияларнинг замонавий талабларга тўлиқ жавоб бермаслиги ҳақидаги масала дунё ҳамжамияти томонидан тез-тез эътироф этилмоқда.

Маълумки, фан ва техника жадал суръатлар билан ривожланаётган бугунги кунда кўплаб илмий билимлар, тушунча ва тасаввурлар ҳажми

кескин ортиб бормоқда. Бу, бир томондан, фан-техниканинг янги соҳа ва бўлимларининг тараққий этиши туфайли унинг дифференциаллашувини таъминлаётган бўлса, иккинчи томондан, фанлар орасида интеграция жараёнини вужудга келтирмоқда.

Маълумки, бугун барча давлатлар таълимга имкон қадар кўп янгилик киритишга интилмоқда. Бугунги янгиликлар уларга уюшган, режали, оммавий ёндашувни талаб этади. Янгиликлар келажак учун узок муддатли инвестициялардир. Новаторликка қизиқиш уйғотиш, янгилик яратишга интилувчан шахсни тарбиялаш учун таълимнинг ўзи янгиликларга бой бўлиши, унда ижодкорлик руҳи ва муҳити ҳукм суриши лозим. Ана шундай долзарблиқдан келиб чиқсан ҳолда, бугунги кунда педагогиканинг мустақил соҳаси – *инновацион педагогика* жадаллик билан ривожланиб бормоқда.

Таълим тизимига киритилаётган ҳар қандай инновация ахборот ва методик таъминотнинг мавжудлигини кўзда тутади. Шу сабабли, олий таълим муассасалари ўқув жараёнига инновация киритишида илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш, таҳлили қилиш ва умумлаштириш ҳамда педагогик-психологик фанларнинг ютуқларини амалиётга татбиқ этиш, замонавий педагогик ва ахборот коммуникация технологиялари имкониятларидан фойдаланиш орқали ўқув жараёнлари мазмуни ва методларини такомиллаштириш муҳим йўналишлардан саналади.

Ўтказилган назарий ва амалий изланишлар натижасида модулли ўқитиш – талабаларнинг билим имкониятларини ижодий қобилиятларини ва амалий қўникмаларини ўрганиш даражаларини ривожлантиришда ижобий самара бериши аниқланди. Модулли методика асосида ўқитишда фан таркибидаги модуллар орасидаги узвийликни таъминлашга ўқитишни жадаллаштиришга талабаларнинг ўзлаштиришини мунтазам назорат қилишга ва баҳолашга қизиқтириш асосида амалий фаолиятга ўргатишга ҳамда ўқув материалини босқичма-босқич ўқитиш орқали фанни самарали ўзлаштиришга эришилади.

Сув хўжалигига инженер кадрлар тайёрлаш билан бир қаторда ишлаб

чиқаришдаги инженерларни иқтисодий йўналишда малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш керак. Сув хўжалиги инженер-техник ходимлари малакасини профессионал ошириш ишлари амалга оширилмоқда. Шунинг билан бирга нафақат профессионал малакасини ошириш **балки, ҳозирги** вактда сув хўжалиги ташкилотлари ва корхоналарида ҳар қандай даражада тайёрланган инженер мутахассислар бошқарув бўғинларининг қуи ёки ўрта раҳбарлари ҳам, юқори бўғин раҳбарлари ҳам бўлиб фаолият юритаётганлиги сабабли, уларнинг сув хўжалиги мажмуасида янги фаолият тури ҳисобланган менежерлик фаолияти учун зарур малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш лозим. Чунки уларнинг иқтисодий фаолиятга ижодий қобилияtlарини шакллантириш зарурати юзага келмоқда. Бу бошқарув қарорлари самарадорлигини оширади.

Профессионал қайта тайёрлашнинг мақсади мамлакатимиз сув хўжалиги мажмуасини ишлаб чиқариш ва қурилиш соҳасида бизнесни самарали юритиш ва инновацион жараёнларни бошқариш учун зарур рақобатбардош, профессионал компетенцияли ва сифатга эга менежерлар билан таъминлашдан иборат. Сув хўжалигини бошқарув ходимларини Олий таълимнинг Давлат таълим стандарти бўйича 5230100 — Иқтисодиёт (сув хўжалигига) 5230200 — Менежмент (сув хўжалигига) 5230900 — Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (сув хўжалигига) *таълим йўналишилари бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражаси ва зарурий билимлар мазмунига қўйиладиган* талаблар асосида қайта тайёрлаш тавсия этилади.

Фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг бири бирига боғлиқлигини таъминлаш мақсадида уларнинг интеграциясини таъминлаш лозим. Инженер техник фанлар бўйича илмий тадқиқот ўтказишда иқтисодий фанлар ўринли фойдаланиш, техник фанларда илмий тадқиқот ишларининг самарадорлигини аниқлашда иқтисодий фанлар ютуқларидан фойдаланиш замон талабига айланмоқда.

Мутахассислар муаммоларни мустақил ижодий ҳал этиш учун юқори компетентлиги ва қобилияти, базавий билимларини янгилаш ва кенгайтириб

билиши, ўз ишида барча янгиликлардан фойдаланиши, яъни фанда ва амалиётда, ишни ташкил этишнинг энг янги методларини, замонавий бошқарув методларини қўллаши билан ажратиб туриши лозим. Барча бу сифатларни шакллантиришга олий таълим муассасасида таълим жараёнида талабаларнинг иқтисодий билим олиши орқали эришиш мумкин.

Шунинг учун янги авлод педагогларини шакллантириш ва сув хўжалиги иқтисодиёти бўйича педагог кадрларни тайёрлашни кенгайтириш лозим. Кадрлар тайёрлашнинг узвийлигини таъминлаш мақсадида сув хўжалигида юз бераётган иқтисодий муаммоларнинг илмий ва назарий ҳамда амалий ечимларни топиш учун Иқтисодиёт (сув хўжалигида) бакалавриат йўналиши негизида магистрлар тайёрлашни қайта тиклаш, яъни илмий ходим изланувчила билан бакалавр тайёрлашни узвий боғланиши таъминланса, шундагина сув хўжалиги тармоғида глобал иқтисодий муаммоларни ҳал этадиган кадрлар тайёрланади. Чунки, юксак педагогик маҳорат билан бирга тадқиқотчилик қобилиятини ва қўникмасини эгаллаш мамлакатдаги иқтисодий ҳолатни ва юз бераётган жараёнларни тадқиқ этиш учун мажбурий шарт ҳисобланади.

Ўқитилаётган билимларни амалиётга яқинлаштириш, яъни талабаларга иқтисодий тафаккурни кенгайтирадиган билим бериш билан бирга амалий масалаларни ҳал қилиш учун керакли билимларни ҳам бериш лозим. Ўқитиш жараёнида илмий-тадқиқот натижаларидан кенг фойдаланиш керак, чунки бугунги кундаги илмдаги ғоя ва фикрларни талабаларга етказиш, уларнинг келажакдаги фаолиятида пойdevor бўлиб хизмат қиласди.

Буларнинг ҳаммаси талабани бўлғуси иш фаолиятидаги иқтисодий муаммоларни мустақил ҳал эта оладиган даражада тайёрлаш имконини беради, бу жамиятнинг, иқтисодиётнинг ривожланишига туртки бўлади.

Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Таълим тўғрисидаги қонуни.- Т.: Ўзбекистон. 1997 йил 29 август Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1997 й., 9-сон

2. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”–
Т.: 1997

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги
“Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар
стратегияси тўғрисида”ги ПФ -4947-сонли Фармони.

4. М. Хошимова, Д.Файзуллаева. “Замонавий таълим ва инновацион
технологиялар бўйича илфор хорижий тажрибалар” модули бўйича ўқув-
услубий мажмуя. Т. 2015